

Хожиакбар Шайхов фантаст ёзувчи, сеҳрли адабий жанр ижодкори. У Хитой Халк Республикасининг Чугучак шаҳрида 1945 йилнинг 25 мартда тугилган. Ўрта мактабни битиргач, 1964—1967 йилларда собик Совет Армияси сафларида хизмат қилган. 1967—1971 йилларда Тошкент политехника олий билимгоҳида таҳсил қўрган. Сўнгра, 1971—1978 йиллар мобайнида электр тармоқлари идораларида, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Электроника институтида ишлаган. 1978 йилда «Ёш гвардия» нашриётида бўлим бошлиғи, Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси биринчи котибининг ижодий ишлар бўйича муовини бўлиб хизмат қилган. Хозирги кунда у «Сирли олам» ойнамаси ва униинг иловаси бўлмиш «Калб кўзи» рўзномасининг бош муҳаррири, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси тафтиш хайъатининг аъзоси.

У ёзувчи сифатида 70-йиллар бошида адабиётга кириб келган. Шу вақтгача унинг ўттизга яқин китоблари чоп этилган. Жумладан, «7-СЕР»—илмий-фантастик хикоя ва қиссалари (1972, ҳамкорликда ёзилган), «Рене жумбоғи — кўланка» (1980), «Олмос жилоси» (1983), «Телба дунё» — роман (1990), «Кўз» — қисса (1986) каби асарлари китобхонларнинг севимли асарларига айланиб қолган. Шунингдек, у «Умид сайёраси», «Уйгонган виждон», «Олис сайёрада», «Нишон», «Оловдан чиққан одам», «Дархон кўшиги» каби ўнлаб хикоялар муаллифи ҳамдир.

Хожиакбар Шайхов моҳир таржимон сифатида ўнлаб қардош ва чет эл адиблари асарларини ўзбек тилига ўгирган. Айни чоғда у мунаққид, олим ва адабиётшунос сифатида 20 дан ортиқ мақолалар яратган. Улар орасида фантастика, фольклоршунослик ва мифологияга оид мақолалари эътиборлидир.